

## 6-МОДУЛЬ. САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИНИ ЖИҲОЗЛАШ

### 6.1. Илова

#### Участка сайлов комиссияси биноси

##### Назорат саволлари:

1. Участка сайлов комиссияси биноси деганда нимани тушунаси?

---

---

2. Участка сайлов комиссияси биноси ким томонидан ажратилади?

---

---

3. Участка сайлов комиссияси биноси қайси муддатдан кечиктирмаган ҳолда ажратилиши керак?

---

---

### 6.2. Илова

#### Биносининг ташқи кўринишига қўйиладиган талаблар “Блиц-сўров” усули асосида тайёрланган СЎРОВНОМА

Саволлар	Жавоблар
1. Сайлов участкаси биносининг ташқи кўриниши қандай талабларга жавоб бериши лозим деб ўйлайсиз?	Участка сайлов комиссияси жойлашган бино ва унга олиб борувчи йўлаклар озода ва таъмирланган, ёритиш мосламалари ўрнатилган бўлиши керак
2. Сайлов участкаси учун ажратилган бинони қандай аниқлаб оламиз?	Сайлов участкаси учун ажратилган бинони сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа асосида аниқлаймиз
3. Овоз бериш хонасига олиб борувчи йўлларда сайлов участкасининг кўрсаткичлари қаерда жойлаштирилган бўлиши лозим?	Овоз бериш хонасига олиб борувчи йўлларда сайлов участкасининг кўрсаткичлари кўринарли жойларга жойлаштирилган бўлиши керак
4. Сайлов участкаси биносида ёнғинга қарши воситалар бўлиши керак деб ҳисоблайсизми?	Ҳа. Сайлов участкаси биносида ёнғинга қарши воситалар бўлиши шарт
5. Бинога кириш жойида ногиронлар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлкалари (пандуслар) бўлиши керакми?	Бинога кириш жойида ногиронлар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлкалари (пандуслар) бўлиши (ғилдиракли аравачалар чиқишига мўлжалланган махсус йўлак) ва уларнинг белгиланган талабларга (эни камида 90 сантиметр, чиқиш бурчаги 30 <sup>0</sup> дан кўп бўлмаган) лозим

**Бино жиҳозланиши  
НАЗОРАТ ТЕСТЛАРИ**

**1. Овоз бериш биносида ёритиш тизими билан жиҳозланган ва ёзув анжомлари билан таъминланган нималар бўлиши керак?**

- A) Кабиналар
- B) Стендлар
- C) Плакатлар
- D) Баннерлар

**2. Жиҳозланган овоз бериш хоналари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан участка сайлов комиссияларига сайловдан камида неча кун олдин тақдим этилиши керак?**

- A) Камида 20 кун
- B) Камида 15 кун
- C) Камида 11 кун
- D) Камида 7 кун

**3. Участка сайлов комиссиясига тегишли ҳудудда сайловчилар сони 1000 нафардан 3000 нафаргача бўлган тақдирда, камида нечта яширин овоз бериш кабиналари (хоналари) бўлиши керак?**

- A) 3 та
- B) 2 та
- C) депутатликка номзодлар сонига мутаносиб равишда, яъни 15 та
- D) 4 та

**4. Участка сайлов комиссияси канцелярия анжомлари билан тегишли қайси ташкилот кўмагида таъминланади?**

- A) Туман ва шаҳар сайлов комиссиялари
- B) Ҳокимият
- C) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
- D) Савдо-саноат палатаси томонидан

**5. Стационар катта сайлов қутиси габаритлари?**

- A) 80 см х 100 см
- B) 60 см х 100 см
- C) 70 см х 80 см
- D) 40 см х 70 см

**6. Агар сайлов участкасида руйхатда 2000 сайловчи бўлса, участкага қанча бюллетень берилади?**

- A) 2000
- B) 2200
- C) 2020
- D) 2010

**7. Жисмоний имконияти чекланган шахслар учун сайловда яратилган имкониятларни кўрсатинг?**

А) Жисмоний имконияти чекланган шахслар учун сайлов кутиси уйига бориш имконияти яратилади

В) Жисмоний имконияти чекланган шахслар учун махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабиналари

С) Жисмоний имконияти чекланган шахслар учун комиссия аъзоларидан бири ёрдам беради

Д) А ва Б жавоблар тўғри

**8. Сайлов санасига бағишланган плакатларни кўрсатинг?**

А) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига \_\_ кун қолди

В) Сайловларда фаол бўлинг, белгиланган кунда сайловда қатнашинг

С) Фуқаролик бурчингизни бажаринг, белгиланган кунда сайловда қатнашинг

Д) Сайлов кунда фол бўлинг ва фуқаролик бурчингизни бажаринг.

**9. Сайлов бюллетенлари қаерда сақланади?**

А) Овоз бериш хонасида

В) УСК хонасидаги сейфда

С) Туман сайлов комиссияси хонасиндаги сейфда

Д) Шу куни олиб келинади

**10. Ҳар бир сайлов участкасига нечта пломба ажратилади?**

А) 7

В) 5

С) 9

Д) 3

## 6.4. Илова

### Бино жиҳозланиши

#### *1-казус*

Сайлов кунида фуқаро сайлов участкаси биносига бориб, мавжуд бўлган 1 дона яширин овоз бериш кабинасига бюллетенни тўлдириш бўйича навбатда қолиб кетганлиги учун участка сайлов комиссияси аъзоларига эътироз бериши ва мурожаат қилиш юзасидан фикр билдиради.

*Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## 6.5. Илова

### Овоз бериш биносидagi ахборот стендлари

Овоз бериш биносидagi ахборот стендида қуйидагилар жойлаштирилади:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (XXIII боб 117-модда), Сайлов кодекси, Жиноят кодекси (146 ва 147-моддалар), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (V<sup>1</sup> боб 51<sup>2</sup>-51<sup>9</sup>-моддалар), Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (27, 142 ва 167-моддалар) кўчирмалар;

- участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали ҳақидаги ахборот;

- сайлов участкасининг харитаси;

- овоз бериш тартиби;

- депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоллари ва дастурлари;

- сайловчилар рўйхати;

- мурожаатлар учун телефон рақамлари;

- сайловга оид инфографик ва схематик кўринишдаги тушунтириш материаллари.

*Стендларда жойлаштириладиган материалларда сайловолди ташвиқотида оид нишон ва аломатлар бўлмаслиги керак.*

**Ташвиқот материаллари** – сайловолди ташвиқотида фойдаланилиши мумкин бўлган босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаллари (плакатлар, варақалар ва бошқа материаллар) тушунилади. Қонунчиликка мувофиқ, ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси худудида тайёрланиши лозим.

Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида куйидагилар кўрсатилиши керак: ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар; ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми); ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот.

Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади.

## **2-казус**

Овоз бериш биносида ахборот стендида жойлаштирилган маълумотларни фуқаро А. маълумот юзасидан танишиб чиқиш жараёнида керакли ахборотлар берилмаганлиги сайлов участкаси комиссиясининг аъзоларига эътироз билдирди, эътирози ўринлими?

## **6.6. Илова**

**Сайлов қутилари ва уларга қўйиладиган талаблар:**

- сайловчилар сони 20 дан 1000 нафаргача бўлган сайлов участкаларида стационар сайлов қутилариининг габаритлари 60x50 см бўлиши керак;

- сайловчилар сони 1000 дан 3000 нафаргача бўлган сайлов участкаларида стационар сайлов қутиларининг габаритлари 60x100 см бўлиши керак;

- овоз бериш учун кўчма сайлов қутиларининг габаритлари 30x20x35 см бўлиши керак.


Олдиндан овоз бериш учун кўчма сайлов қутиларининг сони тегишли участка сайлов комиссиясининг қарори билан белгиланади ва уларнинг ҳар бирига тартиб рақами қўйилган бўлиши керак.

Овоз бериш қутилари улар муҳрланган пайтдан то очилгунгача участка сайлов комиссияси аъзолари, кузатувчиларнинг назоратида бўлиши лозим.


Сайлов қутиларининг сақланиши юзасидан назорат олиб бориш комиссия қарори билан белгиланадиган участка сайлов комиссияси аъзоси зиммасига юклатилади.

Сайлов қутиларини пломбашда Марказий сайлов комиссияси томонидан юборилган пластмассали бир мартаба ишлатишга мўлжалланган рақамланган пломбалардан фойдаланилади.

### СТАЦИОНАР САЙЛОВ ҚУТИЛАРИ



### КЎЧМА САЙЛОВ ҚУТИСИ



Сайлов участкаси комиссияси аъзолари томонидан ташкиллаштирилиб пластмассали пломбаланган қутилар (кўчма қутилар) расмийлаштирилгандан сўнг маълум бир қутилмаган муаммоли вазиятлар ёки ҳаракатлар оқибатида пломба бузилганлиги аниқланди, ушбу ҳолат юзасидан кўриладиган тўғри ҳаракатни аниқланг.

## 6.7. Илова

### Иш юритиш жилдлари

Участка сайлов комиссиясининг иш юритиш жилдлари:

- Участка сайлов комиссиясининг қарорлари, баённомалари ва далолатномалари жилди;

- Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳамда округ сайлов комиссияларидан келган ҳужжатлар ва ёзишмалар жилди;

- мурожаатларни қайдлов дафтари ва жилди; корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан келиб тушган ҳужжатларни рўйхатга олиш журнали ва жилди; чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олиш журнали, кузатувчиларни рўйхатга олиш журнали, навбатчилик журнали.

Участка сайлов комиссияси иш юритиш жилдлари билан тегишли туман ва шаҳар сайлов комиссиялари кўмагида таъминланади.

*Овоз бериш қутисини пломбалаш тўғрисида  
далолатнома намунаси*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман  
ва шаҳар Кенгашлари сайлови ўтказувчи  
\_\_\_\_-участка сайлов комиссиясининг  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20\_\_ йил \_\_ декабрь  
шаҳри

Тошкент

Қатнашдилар: Участка сайлов комиссияси аъзолари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Овоз бериш қутисини пломбалаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартиб асосида овоз бериш қутилари \_\_\_\_\_-сонли, \_\_\_\_\_-сонли, \_\_\_\_\_-сонли ва кўчма қути \_\_\_\_\_-сонли рақамланган пломбалар билан пломбаланди.

\_\_\_\_-Участка сайлов комиссияси раиси \_\_\_\_\_

**Участка сайлов комиссиясида бўлиши тавсия этиладиган  
канцелярия анжомлари:**

- конвертлар (камида 10 дона);
- иш юритиш журналлари (6 дона);
- жилдлар (6 дона);
- ёзув ручкаси (шарикли, кўк ранг 8 дона);
- А4 қозғоз (1 пачка);
- степлер (1 дона);
- скоба (2 қути);
- итрих (1 дона);
- қозғоз-тешигич (1 дона);
- чизгич (1 дона);
- скрепка (1 қути).

Участка сайлов комиссияси канцелярия анжомлари билан тегишли туман ва шаҳар сайлов комиссиялари кўмагида таъминланади.

## **6.8. Илова**

### **Сайлов бюллетени**

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ** – сайлов бюллетенининг шакли ва матни тегишинча Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ ШАКЛИ** – Номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми сайлов бюллетенига унинг туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш жойи ва уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда алифбо тартибида киритилади. Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан тегишли округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилади.

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ** – Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини овоз бериш кунига, шу жумладан муддатидан олдин овоз бериш кунига камида уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан олади. Сайлов бюллетенларининг топширилганлиги ҳамда қабул қилинганлигини округ ва участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби тегишли хужжатда ўз имзоси билан тасдиқлайди.

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ** – Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони участка бўйича рўйхатларга киритилган фуқаролар сонига нисбатан ярим фоиздан ортиқроқ бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетени ўнг томонининг юқори бурчагига участка сайлов

комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияси томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

## **6.9. Илова**

### **Гуруҳий муҳокама учун саволлар**

1. Сайлов участкаси биносининг ташқи кўриниши қандай талабларга жавоб бериши лозим деб ўйлайсиз?
2. Сайлов участкаси учун ажратилган бинони қандай аниқлаб оламиз?
3. Овоз бериш хонасига олиб борувчи йўлларда сайлов участкасининг кўрсаткичлари қаерда жойлаштирилган бўлиши лозим?
4. Сайлов участкаси биносида ёнғинга қарши воситалар бўлиши керак деб ҳисоблайсизми?
5. Бинога кириш жойида ногиронлар арачасига мослаштирилган нишаб йўлкалари (пандуслар) бўлиши керакми?
6. Участка сайлов комиссияси биноси деганда нимани тушунасиз?
7. Сайлов қутиларига қандай талаблар қўйилади?
8. Участка сайлов комиссиясининг иш юритиш жилдлари деганда нимани тушунасиз?
9. Участка сайлов комиссияси иш юритиш жилдлари билан қандай таъминланади?
10. Участка сайлов комиссиясининг иш юритиш жилдлари таркибига нималар киради?